

## А Ж Р И М

2024 йил декабрь ойининг 13-куни жиноят ишлари бўйича Вобкент туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Б.Т.Садуллаев,

судья ёрдамчиси Ш.Рахмоновнинг котиблигида, томонлардан Вобкент туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Тошов, Вобкент туман ИИО Пробация гуруҳи катта инспектори Б.Тошпўлатовнинг иштирокида, Вобкент туман ИИО Пробация гуруҳининг маҳкум Довудов Бекзод Абдуллоевичга нисбатан келтирилган тақдимномаси кўриб чиқилди.

Довудов Бекзод Абдуллоевич, 1990 йил 11 март куни Вобкент туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, муқаддам жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят Дўстлик туман судининг 2023 йил 20 июнь кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 1 август кунидаги ажримига кўра, тайинланган жазо иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2024 йил 25 июнь кунидаги ажримига кўра ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 3 ой 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган, Вобкент тумани “Сўфидехқон” МФЙ, Бойлартўпи қишлоғида яшайди,

Суд келтирилган тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Вобкент туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳининг тақдимномасида Довудов Бекзод Абдуллоевич, жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят Дўстлик туман судининг 2023 йил 20 июнь кунидаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланганлигини, Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 1 август кунидаги ажримига кўра, тайинланган жазо, иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирилганлигини, жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2024 йил 25 июнь кунидаги ажримига кўра ЖКнинг 46-моддасига асосан ўталмаган 1 йил 3 ой 6 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилганлигини, Вобкент туман ИИБ ЖХХ



Пробация гуруҳи томонидан маҳкум Б.Довудов 2024 йил 26 июнь куни ҳисобга олиниб, озодликни чеклаш жазосини ўташ тартиб ва қоидалари билан таништирилиб, тушунтириш хати ҳам олиниб огоҳлантирилганлигини, Б.Довудовга унга нисбатан суд ажрими билан юклатилган ҳар ойда бир маротаба Пробация гуруҳидан рўйхатдан ўтиш юклатилган бўлиб, ушбу чекловга асосан туман Пробация гуруҳи ходимлари томонидан унга ҳар ойнинг ўнинчи санасида Пробация гуруҳидан рўйхатдан ўтиш белгиланган бўлсада, у ҳеч бир сабабсиз 2024 йил 10 июль, 10 август ва 10 сентябрь кунлари Пробация гуруҳидан рўйхатдан ўтиш учун бормаганлигини, шундан сўнг унга нисбатан суд томонидан юклатилган чекловни мунтазам бузиб келганлиги сабабли жазо ўташ тартиб-қоидалари такроран тушунтирилиб, огоҳлантириш интизомий жазоси қўлланилганлигини, шундан сўнг ҳам у 2024 йил 10 ноябрь куни туман Пробация гуруҳидан рўйхатдан ўтиш учун келмаганлигини, унга жазо ўташ тартиб-қоидалари яна тушунтирилиб, огоҳлантириш интизомий жазоси қўлланилганлигини, Б.Довудов 2024 йил 10 ноябрь куни ҳам туман Пробация гуруҳидан рўйхатдан ўтиш учун келмаганлигини, маҳкум Б.Довудовнинг келгусида такрорий жиноят ёки ҳуқуқбузарликлар содир этишини олдини олиш мақсадида, унга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисмини Жиноят кодексининг 48<sup>1</sup>-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш масаласини кўриб чиқиш сўралган.

Вобкент туман ИИО Пробация гуруҳи катта инспектори Б.Тошпўлатов келтирилган тақдимномани қувватлаб маҳкум Б.Довудов бир неча марта огоҳлантирилганлигига қарамасдан, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан жазо ўташ тартибини бузиб келаётганлиги сабабли, тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Б.Довудов ҳақиқатдан ҳам Вобкент туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи катта инспекторининг тақдимнома юзасидан қилган маърузасига эътирози йўқлигини, бироқ у ҳар ойнинг 10 санасида рўйхатдан ўтишга бормаган бўлса ҳам, ойнинг бошқа саналарида Пробация гуруҳига рўйхатдан ўтиш учун бориб турганлигини, ушбу ҳаракатининг оқибатини жиддий деб ўйламаганлигини, қарамоғида кекса отаси борлигини ва бундан кейин жазо ўташ тартибига риоя қилиб келишини инобатга олиб, унга яна бир бор имконият бериб, тақдимномани рад қилишни сўради.

Вобкент туман прокурори катта ёрдамчиси Ж.Тошов маҳкум Б.Довудов суд томонидан унга нисбатан қўйилган чекловларга риоя қилмасдан келаётганлиги сабабли, тақдимномани қаноатлантиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48<sup>1</sup>-моддасида маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги, маҳкум жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги белгиланган.

Тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатлардан кўринишича, маҳкум Б.Довудовнинг ўталмаган жазоси 9 ой 20 кунни ташкил қилади.



Суд иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, маҳкум Б.Довудов озодликни чеклаш жазосини ўташ тартибини сурункали бузиб келаётганлигини, унга нисбатан суд томонидан зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармасдан келаётганлигини инобатга олиб, суд томонидан унга нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 116-моддасида қасдан оғир ва ўта оғир жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазони озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириш тартибида суднинг ажрими асосида юборилган маҳкумлар жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланганлиги сабабли, суд жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 539, 541-542-моддаларига амал қилиб, суд

### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Вобкент туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳининг тақдимномаси каноатлантирилсин.

Довудов Бекзод Абдуллоевичнинг ўталмаган 9 (тўққиз) ой 20 (йигирма) кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилсин.

Б.Довудов суд залидан қамоққа олиниб, Бухоро вилоят ИИБ ЖИЭД 6-минтақавий ҳудуд 4-сон тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Жазо муддати 2024 йил 13 декабрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ажрим ижро қилиш учун Вобкент туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳига юборилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан, маҳкум унга ажрим нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида хусусий шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**Б.Садуллаев**

